



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 24 октябрь, № 207 (4617)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг муҳофаза салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Самандаров Исматило Ибодиллоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсининг цикли бошлиғи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Тулупова Елена Петровна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги спорт-соғломлаштириш комплекси бўлими бошлигининг ўринбосари

Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шuhrати” ордени билан

Мирфайзиев Миркомил Мирхосинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Султонова Жамила Раҳматовна — Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

Турсунов Шавкат Бурхоневич — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғи

“Дўстлик” ордени билан

Бердиев Куралбай Мирзанович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

Жўраев Раҳматжон Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси терговчиси

Карабаев Ойбек Равшанович — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси бўлими бошлиғи

Осипова Светлана Михайловна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлимининг бўлими бошлиғи

“Жасорат” медали билан

Абдуллабеков Жасурбек Улугбекович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими тергов вакили

Давлатов Шукрулло Одинабоқиевич — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Мамаражабов Абдинаби Раббимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

(Давоми 2-бетда).

КЕЛАЖАК БОҒИНИНГ ГУЛ-ГУНЧАЛАРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз Президентининг раҳнамолигида ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг илм олишлари учун қилинган оталарча гамхўрлик, таълим тизимидаги янгиланишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётди. Айниқса, халқимиз ҳаётида бекибс аҳамият касб этган бу муваффақиятлар ҳақида сўз борса, энг аввало, таълим-тарбиядаги изчил ислохотларни фахрлини тилга оламиз.

Таълим

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, илм-фанга эътибор, ёруғ ва фаровон келажакнинг мустақам пойдеворидир. ... Мактаб ҳовлисида шодон қийқириб юрган мана бу ўқувчиларга боқиб, ҳавасинг келади, киши. Беқобод туманидаги Маданият қишлоғида янгидан қад ростлаган 19-умумтаълим мактабида таълим олаётган бу ўғил-қизлар олам-олам орзулар оғушида улғаяётган истиқлол фарзандларидир. Бугун улар қалбида она юртга садоқат, Ватанга муҳаббат ҳислари қуртат ёмоқда. Негаки, улар озод ва обод юртда юксак меҳр ва гамхўрликдан баҳраманд ҳолда уни-ўсаётдилар. Мухташам мактабларда сабоқ олаётдилар, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган шинам ва ёруғ синф хоналарида пухта билим эгалламоқдалар. Энг муҳими, бугун юртимизда келажак ворисларининг камоли йўлида барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Қишлоғимизда шундай қўрқам мактаб қад ростлашини илгарилари тасаввур ҳам қилолмасдик, — дейди ўзини Нурали Боқиев деб таништираётган отахон. — Беадад шукруки, истиқлол шарофати билан орзу-умидларимиз ижобатини кўриш насиб этди. Президентимиз ташаббуслари билан нафақат шаҳарларда, балки энг чека



Б. АКРАМОВ олган сурат.

қишлоқ ҳудудларида ҳам мана шундай муҳташам ўқув масканлари қад ростлашган. Бундай замонавий мактабларда ўқиб, илм олаётган фарзандла-

римизнинг келажакда улкан муваффақиятларни қўлга киритишларига ишончимиз комил.

М. ЖОНИХОНОВ.

Шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ:

«ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚИЗГИН РИВОЖЛАНМОҚДА»

Ўзбекистоннинг Кувайтдаги элчихонасида юртимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Кувайт ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, нуфузли ишбилармонлар, мамлакатда акредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди. Тантанали маросимга бағишланган қатор репортаж ва мақолалар Кувайтнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида, хусусан, «Аван», «Ас-Сияса», «Ал-Анба», «Ал-Дар», «Ар-Рай», «Ал-Ватан», «Ал-Васат», «Ал-Жарида», «Аrab Times», «Kuwait Times» газетлари саҳифаларида чоп этилди.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон мустақиллиги мавзуси «Ас-Сияса» газетасида ҳам кенг ёритилди. Қатор фотосуратлар билан безатилган мақолада Кувайт Ахборот вазирининг «Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатлар мустақам асосга таянган ҳолда жадал ривожланмоқда» деган сўзлари келтирилди.

Муносабатларни келгусида янада кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади», деб ёздаи ўз мақоласида «Аван» газетаси.

Ўзбекистон дипломатия ваколатхонасида бўлиб ўтган тантанали маросимда шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ иштирок этди, икки мамлакат раҳбари ҳам турли соҳалардаги ўзаро

(Давоми 3-бетда).

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиз-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини изчил ислоҳ этишдаги яна бир муҳим қадамдир десак, муболага бўлмайди.

ТЎКИН ҲАЁТ МАНБАИ

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони ўз моҳиятига қўра, республикаимизда озиз-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш, аҳолининг озиз-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш ва шу асосда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган. Бу жараён, Фармонда кўрсатилганидек, пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси мутахассисларидан, фермер, деҳқон ҳўжалиқлари раҳбар ва аъзоларидан катта масъулият талаб этади.

Фармон бир қанча муҳим вазифаларни бажаришни кўзда тутади. Аввало, озиз-овқат экинларини етиштириш учун зарур шароит яратиш лозим. У экин майдонларини тўғри ва энг оптимал саралаш, ушбу соҳанинг ўзига хос жиҳатларини яхши тушунадиган, у ёки бу экиннинг агро-техника талабларини биладиган мутахассисларни ташлашнинг ўз ичига қамраб олади.

Қолаверса, озиз-овқат экинларининг энг яхши навларини етиштириш, ушбу ўсимликлардан юқори ҳосил олиш учун барча зарур агро-техника тадбирларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Озиз-овқат экинлари экиладиган ерларнинг сугориш ва мелiorация тизимлари ҳолатини ҳисобга олиш, зарур ҳолатларда эса ушбу майдон-

Аҳмад ҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» МЕХМОНОСИДА 23 ОКТАБР КУНИ «ИПАК ЙЎЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА МАДАНИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ САЙЁХЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАСИЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЮНЕСКО ХУЗУРИДАГИ ДОМИЙ ВАКИЛИ ЛОЛА КАРИМОВА ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ НУFUЗЛИ АНЖУМАНДА ЭЗЛИК ДАВЛАТДАН ВА ҚАТОР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРДАН ВАКИЛЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ РИВОЖИ

Конференцияда мамлакатимизда сайёхликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги таъкидланди. Президент Исом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида Ўзбекистонда сайёхлик инфратузилмаси бутунлай ўзгарди. Сайёхликнинг янги йўналишлари шакллантирилди, замонавий меҳмонхоналар қад ростланди, қадимий обидалар, музобар қадамжолар таъмирланди, ободонлаштирилди, янги йўллар барпо этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу соҳани ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон маданият йўналиши, жумладан, сайёхлик соҳасида ЮНЕСКО билан яқин-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ:

БУГУНГИ ҲОЛАТ, ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Бухоро шаҳрида 21-22 октябрь кўнлари «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши: бугунги ҳолат, ютуқлар ва истиқбол» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон ва Миллий демократия институтининг (АҚШ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Эберт номидаги жағгарма (Германия), Цукуба университети (Япония) томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, қадимий Бухорода Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш масалаларига бағишланган конференцияларни ўтказиш яхши анъанага айланган.

Мамлакатимиз, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия ва Япониядан мутахассислар иштирок этган ушбу халқаро конференцияда Ўзбекистонда демократик тўб ўзгаришларнинг бориши, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли бўйича кенг фикр алмашилди.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистонда адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича танланган модели амалга ошириш йўллари, демократик тўб ўзгаришларда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистонга таширими давомиди сўнги йилларда бу ерда демократлаштириш борасида изчил ва қатъий чоралар қўрилганлигининг гувоҳи бўлдим, — деди тадбирда сўзга чиққан Миллий демократия институтининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Глауб. — Де-

мократия ва фуқаролик жамиятининг барча учун мақбул ягона шакли мажбур эмас. Ҳар бир давлат демократик ривожланишнинг ўзи учун қулай йўлини танлайди. Ўзбек халқининг менталитети бағрикенглик ва коллективизм руҳида шаклланган. Биз ушбу менталитетда яшаётган халқларнинг қадимий тарихини эътиборга олишимиз зарур.

Шарқий Европада бозор иқтисодий ва демократияни ривожлантириш жамияти раҳбари Делтеб Краа (ГФР) шундай деди: «Кўплар ривожланган давлатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам давлат кучли фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий ҳамда ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминлайди. Бунда улар қузатувчи вази-раёналарда фаол иштирок этади. Демократик келажакнинг барпо этишда қатнашиш имконини бериши ва ушбу йўналишда Ўзбекистон тажрибасидан ибрат оласа арзийди».

Экспертлар аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга оширишда сиёсий партияларнинг муҳим ўрини тутишини алоҳида таъкидладилар. Конференция иштирокчилари мунозаралар чоғида дав-

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Мақтаб биносига ҳужум

Покистоннинг Шимолий Вазиристон туманидаги мақтаблардан бирига ракета ҳужуми амалга оширилди. Бу ҳақда «AFP» хабар тарқатди.

Бино учта ракета билан нишонга олинган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, ҳужум учувчиси бешқарилдаган самолётлар орқали ташкил этилган. Ҳозирча воқеа натижасида 11 киши қурбон бўлган. Лекин вайроналар остида яна ўнлаб инсонлар қolib кетган бўлиши мумкин.

Покистон ҳукумати мазкур ҳужум АҚШ томонидан амалга оширилганини билдирмоқда. Чунки воқеадан бир неча соат олдин мамлакат парламентининг АҚШ ҳарбийларининг Покистон ҳудудидаги жанговар ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинган.

Бахтли тасодиф

АҚШнинг Колорадо штатида икки самолёт бир-бири билан тўқнашиб кетди.



самолётларига ерга муваффақиятли қўндиришди. Самолётлардан бирининг бортида тўрт киши, иккинчисида эса икки киши бўлган. Бахтли тасодиф тўғрисида ҳеч ким жараҳатланмаган. Мамлакат федерал авиация хизмати вакиллари буни мўъжиза, дея баҳолашмоқда.

Зилзила келтирган зарар

Жорий йилнинг 11 октябрь куни Ингушетияда юз берган зилзила аҳоли учун кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқарганди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жанубий минтақавий маркази матбуот хизмати маълумотида келтирилишича, табиий офат Ингушетия иқтисодиётига 1,3 миллиард рубль миқдорда зарар етказган. Айни пайтда бу ерда 150 дан ортик бино ер силкниши оқибатида таъмирталаб аҳволга келиб қолган.

Ўпилишини маълум қилди

Исроил ҳукумати сешанба куни Ҳазо секторидаги чегара ҳудудлари ўпилишини маълум қилди.

«AFP» ахборотида бу ҳолат шу йилнинг 22 октябрь санасидан бошлаб жорий қилиниши айтиб ўтилган. Исроил тарафининг бундай қарорга келишига жорий йилнинг 14 сентябрь куни унинг Фаластин билан чегарадош ҳудудларига ракета ҳужумлари амалга оширилгани сабаб бўлган.



Суиқасд содир этилди

Афғонистон шарқида тинчликпарвар кучларга суиқасд уюштирилди.

«Reuters» ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, жангарилар аскарлар кетаётган машина яқинида портловчи ускуна харақатга келтирилган. Натижада уч нафар ҳарбий ҳалок бўлган ва бир нечтаси жиддий жараҳат олган.

Манбаларда жорий йил бошидан буён Афғонистон ҳудудида амалга оширилган ҳунрезликлар оқибатида тўрт минг одам вафот этгани келтириб ўтилган. Ачинарлиси, уларнинг кўпчилик қисми тинч аҳоли вакиллари.

«Пултопар» фавворалар

Нью-Йорк мэри Майкл Блумбергнинг сўзларига қараганда, у ердаги фавворалар шаҳар бюджетига катта миқдорда маблағ келиб тушишига хизмат қилмоқда.



этиборини ўзига тортмоқда. Курилишига ўн беш миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланган ушбу иншоотлар бугунги кунга шаҳар газнасига 69 миллион доллар келтирган. Бу қутилганидан 15 миллион АҚШ долларига кўпдир. Блумбергнинг таъкидлашича, мамлакат иқтисодиётида ҳужм сураётган инқироз даврида бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши фойда келтирмоқда.

Мушакбозлик ўрнига портлаш

Ҳиндистон шарқидаги фейерверклар ишлаб чиқарувчи заводда кучли портлаш содир бўлди.

Мамлакат полицияси маълумотларида айтилишича, фожиа оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмган, 18 нафари жиддий жараҳатланган. Шунингдек, завод яқинидаги тураржой биноларига ҳам зиён етган.

Ҳозирча портлаш сабаблари тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Бахтсиз ҳодиса юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Бўрон хавф солмоқда

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Узоқ Шарқ минтақаси марказининг маълумотларига кўра, Тинч океанининг шимолий-шарқий қисмида кучли бўрон содир бўлиши мумкин.

Бунинг натижасида океанда саккиз метр баландликда тўлқин юзага келиш хавфи бор. Шу боис, эҳтиёт чора сифатида мазкур ҳудудда барча ҳаракатлари вақтинча тўхтатиш мақсадида мувофиқлиги айтилмоқда. Шунингдек, юк ташувчи танкерлар ва баликчилар кемалари ҳам бир неча кун океанга қўйилмай турилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Шайх Сабоҳ ал-Ҳолид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ:

«ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚИЗГИН РИВОЖЛАНМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ҳамкорлигимиз ривожланиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланишидан умидвормиз» сарлавҳаси остида «Ал-Анба» газетаси Ўзбекистон ҳақида катта мақола ва ранг-баранг суратлар эълон қилган.

«Утган йиллар мамлакат учун жадал ривожланиш даври бўлди, — дейилади мақолада. — Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ўз иқтисодиётининг барча соҳаларини қайта қуриб, халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айланди, турли халқаро ташкилотлар фаолиятида яқиндан иштирок этиб, хорижий давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатди ва жадал сураётда ривожлантиришга муваффақ бўлди. Бугунги Ўзбекистон — мустақил республика бўлиб, ўз

давлатини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолат устулини каби умумэтироф этилган демократик тамойиллар асосида барпо этмоқда. Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги иқтисодиёти юқори даражада санатлашган мамлакат. Мамлакат иқтисодиётининг асосини самолётсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноти, машинасозлик, металлургия, шунингдек, нефть ва газ, кўмир қазиб олиш, кимё ва озиқ-овқат саноти ва бошқа соҳалар ташкил этади».

Мақолада, шунингдек, мамлакатимизнинг табиий заҳираларга бойлиги ҳам таъкидланган бўлиб, юртимизда қазиб олинаётган минерал хом ашёга бўлган талаб дунё бозорида юқори эканига эътибор қаратилади. Бу эса, ўз

навбатида, мамлакатимизда ижтимоий соҳага йўналтирилган сиёсатни муваффақиятли тарзда амалга ошириш имконини бермоқда. «Мустақилликнинг илк кунлариданоқ амалга оширилган ошқоралик сиёсати ҳамда қулай сарможа муҳити тўғрисида Ўзбекистонга катта миқдордаги хориж инвестициялари жалб этилди», деб ёзилади нашрда.

Икки томонлама муносабатлар мавзусини давом эттириб, «Ал-Дар» газетаси Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовнинг 2004 йил январь ойда Кувайт Давлатига буюрган ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка янги раҳланишга йўл очди.

«2004 йил ноябрь ойда Кувайтда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси очилгани мазкур ташрифининг амалий натижаларидан бири бўлди, — дейди газета. — Кейинги йилларда эса икки мамлакат делегацияларининг ўзаро ташрифлари бўлиб ўтди. 2007 йил июнь ойида Кувайт Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Муҳаммад Сабоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ Ўзбекистонга ташриф буюрди. Тошкентдаги учрашувлар чоғида икки мамлакат ташқи ишлар вазириликлар ўртасидаги муносабатларни янада кучайтириш мақсадида Кувайт амирининг жорий йил июль ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифи бу борадаги ишларнинг мантйқий давоми бўлди», дея мақолага яқун ёсайди газета.

Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўтказилган учрашувларнинг муҳимлигини қайд этиб «Ал-Рай» газетаси «Кувайт амираи шайх Сабоҳ ал-Ахмад ал-Ҳобир ас-Сабоҳнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи ҳамда унинг чоғида имзолан-

ган битимлар икки томонлама муносабатларнинг юксак даражага чиққанини ифодалади», дея таъкидлайди. «Ас-Сияса» газетаси эса, жумладан, шундай ёзади: «Кувайт амирининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида кўшма кўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик битимлари, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумлари имзоланди. Шунингдек, томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди, мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистондаги Кардиохирургия марказини тиклаш ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида 12,97 миллион АҚШ доллари миқдордаги маблағ ажратилиши кўзда тутилди».

«Жаҳон» АА. Ал-Кувейт.

ОСУДА ТУРМУШ САОДАТИ

Эл қорига яраш заҳматидан ортиқ саодат йўқдир. Бу йўлдаги барча ташвишу тадориклар кимнингдир дуоси, кимнингдир миннатдор чехраси ёхуд раҳмату ташаккур олдига ҳеч нарса эмас. Энг муҳими эса, сенинг сазой-ҳаракатларинг кимгадир ибрат бўлса, кимдир сenga ҳавасланиб, ортинган эргашса — кўксинг гурुरга, кўзларинг беихтиёр севинч ёшларига тўлиб кетаркан.



Шукрона

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдурахим ака ва Маҳмудхон ая Расуловлар баъзида ана шундай ҳаёл суришди. Зотан, бу оила сардори бутун умрини ҳайдовчилик касбига бағишлади. Шу касб орқасидан уй-жой қилди, рўзгор тебратди, эл-юрт олдига бир неча бор тўй дастурхонини ёзди. Етти нафар фарзанд — Раҳматжон, Олимжон, Комилжон, Равайнжон, Шавкатжон, Абдуқоҳор ва Абдусамдларни тарбиялаб, вояга етказди. Қизиги шундаки, ўғиллар ҳам ота касбинини улуглаб, бугунги кунда пойтахтимиздаги 7-автосаройнинг 77-йўналишида фаолият юритишмоқда. — Ҳайдовчилик билан шуғулланаётганимга қирқ йилдан

ошибди, — дейди Абдурахим ака. — Фарзандларим ҳам шу касбин таллади, деб ўйламаган эдим. Нинг фарзандим Раҳматжон мактабни тамомлагач, олдимга келиб, «Дадажон, ойижон, ҳайдовчиликка ўқув курси очилибди. Шунда ўқиб, сиздек ҳайдовчи бўлмоқчиман», деб қолди. Ростини айтсам, бу сўзларидан кўзимдан қувонч ёшлари сизди. Ота касбига меҳри бўлакча эканлигини кўриб, ўғлим билан фахрлан-

дим. Раҳматжондан кейин укалари ҳам шу касбин таллади. Бугун етти ака-ука энг замонавий русумдаги автобусларда йўловчиларни ўз манзилларига эсон-омон етказиб қўйишади. Бундан улар жуда фахрланишади. Сўхбатимизга кенжа ўғил Абдусамджон қўйишади. — «Мерседес-Бенц» русумдаги автобусларни ҳайдашимизни кўриб, дадамиз бизга хавас қилади, — дейди у. —

«Бизнинг давримизда бундай автобуслар ўқда турсин, раван йўлларда машина бошқариш ҳам бир орзу эди. Бугун эса орзумиздаги замон келди», дейдилар дадамиз. Ота касбининг этагини тутган кам бўлмади. Бу ҳаётини фалсафа Расуловлар хонадонини тинимсизда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Айни пайтда қатор фарзанду набиралар ардоғида яшаётган Абдурахим ака шундай дорилмон қўлар-

ни кўриш насиб этганидан мамнун. Баъзида ўғиллари бошқарадиган автобусда шаҳар айлиниб келгач, шундай осуда ҳаётимизга кўз тегмасин, дея ният қилади. Бундай энг ниятга биз ҳам қўйишамиз. Омонулла ФАЙЗНЕВ. СУРАТДА: Расуловлар сулоласи йўлга чиқиб олди. Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

Анжуман

Пойтахтимизда Кредит уюшмалари ассоциациясининг бизнес-форуми ташкил этилди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари ҳамда манфаатдор вазирилик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Кредит уюшмалари бизнес форуми

Сўнгги йилларда юртимизда кредит уюшмалари фаолияти изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Бунинг биринчиси «Осиё Траст» кредит уюшмаси фаолияти мосиладан ҳам кўриш мумкин. Ушбу уюшма активлари бугунги кунда 13 миллиард сўмдан ортиб кетди. Айни пайтда «Осиё Траст» аъзолари оғи 4,5 минг нафарга етди. Тадбирда ассоциацияга аъзо кредит уюшмалари вакиллари ўзаро тажриба алмашдирилган ҳамда келгусида қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан тегисли қарорлар қабул қилинди. Ж. ЭЛМУРОДОВ.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилояти филиали нархлари ошиб бориш тартибидега ўлказиладиган тақрироти очик аўкцион савдосига тақийф этади.

Аўкцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 февралдаги 16-0806-35-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган савдо улгуржи базасига қарашли, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчасида жойлашган, 1980 йилда қурилган, қурилиш ости майдони 753,9 м², 3 қаватли, 90 та хонадан иборат маъмурий бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 570 997 126 сўм.

Аўкцион савдоси 2008 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан тегисли СИБ вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аўкцион савдосида иштирок этиш истигадига талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичдан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипоттека кучли» Наманган бўлимидаги МФО 00223, ИНН 200933850, 20210000600571452072 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01. www.rkmb.uz

Лицензия: ДВ 001 № 00004. РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (очиқ акциядорлик жамияти) Давлатобод филиалининг фаолияти тугатилиши муносабати билан банк ва мижозлар ўртасида барча операциялар тўхтатилади. Давлатобод филиали Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан 2004 йил 11 августда 00734-сон гувоҳнома билан (МФО 01012) рўйхатга олинган. Шу муносабат билан кредитор ва омонатчиларнинг даъво ва эътирозлари ушбу эълон газетидеда чол этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тугатиш комиссияси манзили: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 27-уй. ДАТ «Асака» банки (ОАЖ) Наманган вилояти филиали. Тел.: (8-369) 226-91-45, 226-54-54.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси катта илмий ходим Шуҳрат Исмагуллаевга турмуш ўртоғи Фаридат ИСМАТУЛЛАЕВАНИ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. «Ўзбекчармпойабазали» уюшмаси жамоаси бошқарув раиси ўринбосари Шарифжон Шералиевага онаси МАКСУДА АЙНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси институт ходими Комилжон Тошмуҳамедовга онаси КУМРИ АЙНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ ЕНГИЛ ВА ЮК АВТОМОБИЛИ ШИНАЛАРИНИ етказиб бериш бўйича тендер савдосини эълон қилади. Тендер куйидаги манзилда бўлиб ўтади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руствалови кўчаси, 1-бери кўча. Ҳужжатлар 2008 йил 20 ноябрь соат 17.00 гача қабул қилинади. Тел.: (8-10-99871) 231-38-27, 256-39-03, 281-46-70, 255-75-12. Факс: (8-10-99871) 281-46-70, 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

«Шарқ» нашриёт-маъбада акциядорлик компанияси жамоаси газеталар экспедицияси нехи устаси Эргаш ШОКИРОВНИНГ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси энергетика факультети олий математика кафедраси катта ўқитувчиси Рустам Холматовга падари бузрукворни Рауф ХОЛМАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. ЎзР ФА Микробиология институтини жамоаси илмий ходим Холита Нурмуҳамедовга турмуш ўртоғи Миробид НУРМУҲАМЕДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Индонезиянинг Бали оролида пляж футболу бўйича биринчи Осиё ўйинлари давом этмоқда.

Ҳозирча иккинчи

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги биринчи учрашувни катарлик футболчиларга қарши ўтказиб, 4:3 ҳисобида муваффақиятга эришган эди. Иккинчи

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари аяқланиди. Унда 40 нафардан ортиқ нафосат гўзаллари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Бадий гимнастикачилар кўриги

Спорт усталари ўртасидаги кўпқирраб бахсларда навоийлик Уляна Трофимова шохсупдан яна бир вақили Жамила Рахмонова иккинчи, поштахлик Камилла Тўтаева учинчи ўринни эгаллади.



Спорт усталари ўртасидаги кўпқирраб бахсларда навоийлик Уляна Трофимова шохсупдан яна бир вақили Жамила Рахмонова иккинчи, поштахлик Камилла Тўтаева учинчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимиздаги «Чигатой» футбол марказида минн Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун ўтказилаётган турнир қизгин давом этмоқда.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Тўртинчи бор ташкиллаштирилган аънавий мусобақа нафақат мurosасиз курашлар остида ўтаётгани, балки оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида дўстлик ва ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятда. Кеча мусобақада гуруҳ учрашувлари аяқланиб, чорак финалда иштирок этакдан саккизта жамоа маълум бўлди.

«Халқ сўзи» газетаси футбол жамоаси тўртинчи учрашувда «С» гуруҳи пешқадами «Ўзбекистон футбол» вакиллари қарши майдонга тушди. Таъкидлаш лозимки, шу кунга қадар иккала жамоа аъзолари галаба учун астойдил ҳаракат қилишди.

«А» гуруҳи: «Барака» («Жаҳон» АА) — ҲДЖТУ (Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети) 5:7. «БСРЖ» (Болалар спортини тиворлантириш жамғармаси) — МТРК (Миллий телерадиокорпорация) 1:3.


«В» гуруҳи: «Тошкент телерадиоканали» — «Туркистон» 13:1. «ХИ асп» — «Маърифат» 3:2. «Д» гуруҳи: «Спорт» ТРК — «Машъал-спорт» 6:1. «Хуқуқ» — «Янги аср авлоди» 1:6.

Демак, бугун бўлиб ўтадиган чорак финал учрашувда ҲДЖТУ — «Тошкент телерадиоканали», «Ўзбекистон футбол» — «Хонадон», МТРК — «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» — «Спорт» ТРК жамоалари ҳаваскор футболчилари ўзаро баҳс олиб боришади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фахрийлар беллашуви

Зарафшон шаҳрида минн футбол бўйича аънавий халқаро турнир бўлиб ўтди.



Зарафшон шаҳрида минн футбол бўйича аънавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Зарафшон қурилиш бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада Украина, Белорус, Озарбойжон, Тожикистон, Россия ва Туркменистон давлатларининг танкиди клублари фахрий спортчилари иштирок этишди.

Ўн саккизинчи бор ташкил этилган турнирда Киевнинг «Динамо» клуби биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи поғоналарда «Нефчи» (Буку) ҳамда «Кайрат» (Алматы) жамоалари жой эгаллади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ПАТБ «Галлабанк» томонидан чет эл валютасида 3 ой муддатга «Фортуна» омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январьга қабул қилиниб, уларга йиллик 5 фоиз миқдорда устама фойзалар ҳақида тўлаб борилади. Маблағлар еврода қабул қилинади.

«Галлабанк» — хонадонингизга баржа келтирсин! Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89.

www.gallabank.com. Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мухтарам адибимиз Пиримкул Қодировнинг машур тарихий романидан бири «Авлодлар довоми» деб номланади. Муаллиф асарда юксак бир доғда туриб буюк аждодларимизнинг ҳам шонли, ҳам мураккаб ҳаёт йўлини нигоҳдан ўтказди. Гал энди адибимизнинг ўзинга келди. Бугун таваалуднинг 80 йиллиги нишонланаётган онларда шонли умрининг мана шу қўтулғу довомида туриб унинг олтинчи йиллик ижод йўлига бир қур назар ташлаб ўтсак, дейман.

ҚАЛАМ ФИДЎЙИСИ

Қатагонлар дояси деб ном олган мустабид ҳукмдор вафотидан кейин мамлакатда қисман эркинлик шабадалари эса бошлади, унинг эш-кини бизнинг ўлкамизга ҳам келиб етди. Бадий ижодда жонланиш, янги тўқин пайдо бўлди. Одил Ҳоқубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар авлоди адабиёт майдонига чиқди. Пиримкул Қодиров мана шу янги адабий авлоднинг қарвонбошларидан бири. Уни элга танитган илк романи «Уч илди» деб аталади. Яқин ўтмишдаги тарихий ҳаётларнинг қайноқ изидан бориб 1957 йили ёзилган бу роман миллий адабиётимизда қатагон оқибатларини биринчилардан бўлиб акс эттирган йирик асардир.

«Уч илди»нинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда 50-йиллар шароитида янги тарихий вазият таъсирида шакллана бошлаган соғлом кучлар, ҳусусан, адибнинг ўзига тенгдош, замондош, ижтимоий адолат, инсон қадри, эрки, шаъни учун дадил курашга оланган Маҳкам, Гавҳар сингари ёшларга хос хислатларни алоҳида сямиятга, меҳр-муҳаббат билан қаламга олади; чун маънавият — инсоний камолотнинг бош омилли, бақувват илдизлари экан-

нига алоҳида урғу беради. Илк романида намён бўлган бу хил таъмоиллар адибнинг кейинги «Қора кўлар», «Қадрим», «Эрк», «Олмос камар» каби замондошларимиз ҳаётдан олиб ёзган асарларидан ўзгача кўринишда, янада юксакроқ бадий ифодасини топди.

Замондошлари ҳақидаги роман, қиссалари адиб ижодининг бир қаноти бўлса, тарихий мавзудаги романилари иккинчи қанотини ташкил этади. Университетда Шарқ тарихи бўйича таълим олган, фан номзодини адабиётшунос олим, бадий тил тадқиқотишунос сифатида танилган ёзувчимиз фикр-хаёлини ҳаммиса халқимизнинг шонли ўтмиши, жаҳонни лол қолдирган буюк сиймолар ҳаёти мафтун этиб келарди.

Ниҳоят, замонавий мавзудаги асарлари орқали қаттагина адабий таърибга тўлган адиб 60-йиллар охирига келиб зўр жасорат билан улкан бир мавзуга қўл урди: Темурубек наслининг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти тўғрисида хикоя қилувчи кенг қўламли эпик полотно устида иш бошлади. Илҳом тўла машаққатли ижодий меҳнат, шижоат самараси ўлароқ йиғирма йил ичида «Юдузли тунлар», «Авлодлар до-

воми» майдонга келди. Очиғи, Ўзбек адабиётида бу қадар қамровли тарихий романлар яратилмаган эди. Юз йилдан ошдиқроқ давр, бу даврнинг энг муҳим ҳодисалари, Турон, Афғонистон, Хиндистон тарихининг гоят чигал драматик воқеалари, юзлаб тарихий шахслар, давлатлар, тождорлар, авлодлар алма-

шинуви, галаба, инқирозлар, давр гоғлари, турли хил эътиқодлар, рудий меҳнат аҳлининг аҳвол-роҳияти, ҳар хил миллий уду-таъмоиллар, гоят қатта ҳудуд иқлими жуғрофияси — буларнинг барчасини бор ҳолича қўриб, юракдан ҳис қилиб аниқ тасвирлаш, жонли гавдалантириш осон иш эмас.

Энг муҳими, кенг эътиқаднинг ўқ томирини Бобур — Ҳумоюн — Акбар орасидаги қўриқлар билан сугорилган сон-саноксиз «асар»лар кўпригининг нариги томонида қўлиб кетди. Чин истеъод, олижаноб гоғлар нури билан йўрилган асл санъат намуналари қаторида Пиримкул Қодировнинг сара асарлари, жумладан, тарихий романилари ёруғ юз билан истиқлол айёмига кириб келди, улар қайта-қайта чоп этилиб бугунги куннинг эзгу гоғларига хизмат қилмоқда.

Янги, мустақил ҳаёт миллий адабиётимиз учун бамисоли буюк имтиҳон, сарҳисоб палласи бўлди. Шўро даврида битилган, даврнинг ўткирчи, алдамчи гоғлари билан сугорилган сон-саноксиз «асар»лар кўпригининг нариги томонида қўлиб кетди. Чин истеъод, олижаноб гоғлар нури билан йўрилган асл санъат намуналари қаторида Пиримкул Қодировнинг сара асарлари, жумладан, тарихий романилари ёруғ юз билан истиқлол айёмига кириб келди, улар қайта-қайта чоп этилиб бугунги куннинг эзгу гоғларига хизмат қилмоқда.

Адаб аҳли қаламга чин вафони Сиздан ўргансин... Ёниб ўтларда тоблаш ҳар ҳижони Сиздан ўргансин... Бу ён мезий, бу ён — гулшан замон, қонда икки ирмоқ, Азиздор қай бири фикру юракка қўп қийин билмоқ, Ва декан икки дарёдан жавоҳирлар топиб термоқ, Ва элга тухфа этмоқда фидони Сиздан ўргансин!

Умарали НОРМАТОВ.

ниҳоят, жонқуяр, фидойи кимсаларнинг саъий ҳаракати тўғрисида у дунё юзини қўрди. Китобхонлар асарини байрамдек қўлиб олдилар; қисқа фурсатда рус ва бошқа тилларга таржима этилди, танқидчиликда юқори баҳоланди. Юксак мукофотлар билан тақдирланди.

Энг муҳими, кенг эътиқаднинг ўқ томирини Бобур — Ҳумоюн — Акбар орасидаги қўриқлар билан сугорилган сон-саноксиз «асар»лар кўпригининг нариги томонида қўлиб кетди. Чин истеъод, олижаноб гоғлар нури билан йўрилган асл санъат намуналари қаторида Пиримкул Қодировнинг сара асарлари, жумладан, тарихий романилари ёруғ юз билан истиқлол айёмига кириб келди, улар қайта-қайта чоп этилиб бугунги куннинг эзгу гоғларига хизмат қилмоқда.

Адаб аҳли қаламга чин вафони Сиздан ўргансин... Ёниб ўтларда тоблаш ҳар ҳижони Сиздан ўргансин... Бу ён мезий, бу ён — гулшан замон, қонда икки ирмоқ, Азиздор қай бири фикру юракка қўп қийин билмоқ, Ва декан икки дарёдан жавоҳирлар топиб термоқ, Ва элга тухфа этмоқда фидони Сиздан ўргансин!

Умарали НОРМАТОВ.

органи, жамоат ташкилотлари қайдан ёрдан беришмоқда. Тўқуз мингга яқин йигит республика тест маркази мутахассислари ёрдимида синовдан ўтказилди. Ёш оқори балл тўплаган ёшлар мунддатли ҳарбий хизматга боради. Уларнинг яна бир гуруҳи ҳарбий хизматни сафарбарлик резерви йиғинларида ўтади.

Бўлажак аскарлар сафга тизилиши. Махаллий ҳокимлик идоралари вақиллари, ота-оналар, ҳарбий қўшдан келган офицерлар уларга Ватан сарҳадлари қўриқлашда шарафли ишда муваффақиятлар тилашди.

Болалигимдан ҳарбий хизматчи бўлишни оруз қилганман, — дейди сабаблиқ Даврон Раҳмонов. — Бу йил иқтисодий қоллежини тугатдим. Мақсадим аскарликдан сўнг профессионал ҳарбий бўлиш. Уйлаётганим, ҳарбий хизматда ҳам коллежда олган билимим керак бўлади. Зотан, Ватан ҳимояси ҳар томонлама билимли бўлиши керак.

Давра қўриб турган қаққирлувчилар ҳам бу фикрга қўшилишди. Ҳарбий хизматдан сўнг ўқишни давом эттиришни ниятида бўлганлар кўп экан. Хизматини ахши адо этган аскарларга берилмаган имтиёз уларга қўл келиши, шубҳасиз.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм томонларда

«Хунарманд» уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими томонидан жорий йил бошида барча маҳаллаларда «Устоз-шогирд» мактаблари ташкил этиш бошланган эди.

Маҳалланинг хунармандлари

Хозирда 55 та маҳалладаги ана шундай таълим даргоҳларида 300 нафардан ортиқ ўқувчи хунар урганати.

— Ёшлар бу ерда қўлчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, пазандчилик каби 31 турдан ортиқ хунар сирларини ўрганадилар, — дейди «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими раиси Қўлбой Ҳўзибоев. — Шогирдларга стипендиялар ҳам белгиланган.

Коллеждан — тадбиркорликка

Вилоятда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўқуз ойида 5 миң 200 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Айниқса, тадбиркорлар сафига коллежларни тибириб, касб-хунар эгаллаган ёшларнинг келиб қўшилишга алоқадорлик қўшилган. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки вилоят филиали томонидан 54 нафар тибирувчининг ҳар бирига 1 млн. сўмдан кредитлар берилади. Ёш тадбиркорлар маийши хизмат ва сервис, хунармандчилик, қораччилик каби соҳаларда фаолият бошладилар.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аскарлик гурури



— Ватан мудофасига тайёр туриш сенинг йигитлик бурчинг, — дейди ота. — Ўғлим, ўзингни эътиёт қил, — дейди она. — Юзингни ерга қарат-

майдан, — дейди бўлажак аскар. У ўзини аллақандон ҳарбий хизматдан, деб ҳисоблайди. Юриш-туриши, гап-сўзи, ўзини тутиши ҳарбийчасига. Бундан ота гурурланади, она хайрат-

ланади, ўғил эса лаззатланади. Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғув пунктида ҳар кун шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз. Ҳар-

бий хизматга жўнаб кетаётган ёшларнинг ҳаммаси соғлом, бақувват, қадди-қомати келишган. Устидаги спорт кийими ярашиб турибди.

— Хозиргача ана шундай йигитларимиздан бир қанчаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қўшларига кузатилиди, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чакирхон бўлимининг бошлиғи Зокиржон Шермамадов. — Уларни

армия сафига жўнаштига тайёрларик июнь ойида бошланган эди. Дастлаб ураржойида суқбатлар ўтказилди. Тест синовлари ва шифокорлар қўриқидан муваффақиятли ўтган жўмонан ва руждан соғлом, интеллектуал қўриқчи ва билим даражаси юқори йигитлар танаб олиниб, мунддатли ҳарбий хизматга юборилаётти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 августдаги «Мунддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мунддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қўролли қўчаларига навбатдаги қаққирлувчи тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашишда бизга маҳаллий ҳокимият

тўғрисида маълум қилиш мақсади билан директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-19-сонли буйруғи.

2008 йил 13 октябрда 180-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан қўла қиради).

11. Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-китоб қисмига таъин қилинган қўриқчи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат қўриқчи қўриқчи Кириш қўриқчи бўлими директорининг 2008 йил 23 сентябрдаги 2008-20-сонли буйруғи.

2008 йил 13 октябрда 180-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан қўла қиради).

12. «Авиакорпус» йиғилиши учун қатъий миқдорда белгиланган мева солиқи ставкаларини қайта қўриқ-қилиш тўғрисидаги буйруқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (буйрут рақами 1796, 2008 йил 27 апрел).

13. Давлат ривостидаги таъин қилинган қўриқчи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат қўриқчи қўриқчи Кириш қўриқчи бўлими директорининг 2008 йил 23 сентябрдаги 2008-19-сонли буйруғи.

14. «Авиакорпус» йиғилиши учун қатъий миқдорда белгиланган мева солиқи ставкаларини қайта қўриқ-қилиш тўғрисидаги буйруқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (буйрут рақами 1796, 2008 йил 27 апрел).

15. Давлат ривостидаги таъин қилинган қўриқчи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат қўриқчи қўриқчи Кириш қўриқчи бўлими директорининг 2008 йил 23 сентябрдаги 2008-19-сонли буйруғи.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 956. 25961 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммаднали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 02.15. Тошхирлиди — 03.00. Манзиллимиз: 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашбатчи муҳаррир — Ю. Ҳамидов. Нашбатчи муҳаррир — А. Болоев. Нашбатчи — М. Охунова. Мусаҳҳаб — Ш. Машраббеов.